



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2018 йил “1” май

№ 377

Тошкент ш.

“Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ҳамда меҳнат қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ҳамда “Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусида иншолар ва рефератлар танловларини ўтказиш тўғрисида

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан 2018 йил 14 февралда тасдиқланган “Одам савдоси – давр муаммоси” тарғибот лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоратадбирлар режасининг 10-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан 2018 йил 14 февралда тасдиқланган “Одам савдоси – давр муаммоси” тарғибот лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоратадбирлар режасининг 10-банди ижросини таъминлаш бўйича олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ўртасида “Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ҳамда меҳнат қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказиладиган учрашувларнинг режа-жадвали 1-илова ҳамда “Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танлов Низоми 2-илова, мазкур танловни ўтказиш бўйича вазирлик ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик ташкилий қўмитаси (Д.Набиев)га:

танловнинг барча босқичларини юқори савияда ўтказилишини мувофиқлаштириш, танловнинг якуний босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш;

танлов ғолибларининг энг сара ижодий ишлари республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

мазкур ойлик ҳамда танловнинг мазмун-моҳиятини талаба-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, таълим муассасасининг веб-сайтларида ойлик ва танлов ҳақида материалларни эълон қилиб бориш;

“Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ҳамда меҳнат қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлигини 1-иловадаги режа-жадвалга мувофиқ барча олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, Адлия ва Ички ишлар вазирликларининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари билан ҳамкорликда ўтказишингиз;

“Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танловнинг биринчи ва иккинчи босқичини Низом талабларига мувофиқ юқори савияда ўтказиш, танлов ғолибларини рағбатлантириш;

шунингдек, барча тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;

амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 30 май кунига қадар вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказига ёзма ҳамда электрон (x.eshov@edu.uz) шаклда тақдим этиб бориш;

танловнинг иккинчи босқичи ғолибларининг ижодий ишларини ўрнатилган тартибда вазирлик ташкилий кўмитасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазир ўринбосари (М.Иноятов) “Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танловнинг якуний босқичи ғолибларини танлов Низомининг 7.2. бандига мувофиқ рағбатлантириш билан боғлиқ молиявий харажатларни “Олий таълим муассасаларини ривожлантириш” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда қопласин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Набиев зиммасига юклатилсин.

Вазир в.в.б.



У.Бегимқулов



Вазирликнинг 2018 йил “1” -сон буйруғига I-илова
324 даги

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ўртасида “Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ҳамда меҳнат қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказиладиган учрашувларнинг

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

4 майдан 28 май ҳолатига

Т/р	Худудлар номи	Таълим муассасалар сони	Ўтказиш мuddати ва вақти	Жами профессор-ўқитувчилар сони	Жами талабалар сони	Тегишли соҳа вакилларидан иштирок этганлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоқ давлат университети	04.05.2018 йил соат 11:00			
		Нукус давлат педагогика институти	04.05.2018 йил соат 11:00			
		Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	04.05.2018 йил соат 11:00			
		ЎзДСМИ Нукус филиали	04.05.2018 йил соат 11:00			
		ТПТИ Нукус филиали	05.05.2018 йил соат 11:00			
		ТДАУ Нукус филиали	05.05.2018 йил соат 11:00			
2	Андижон вилояти	Андижон давлат университети	05.05.2018 йил соат 11:00			
		Андижон машинасозлик иқтисодиёт институти	05.05.2018 йил соат 11:00			
		Андижон қишлоқ хўжалиги институти	07.05.2018 йил соат 11:00			
		Андижон давлат тиббиёт институти	07.05.2018 йил соат 11:00			

3	Бухоро вилояги	Бухоро давлат университети	07.05.2018 йил соат 11:00		
		Бухоро муҳандислик технология институти	07.05.2018 йил соат 11:00		
		Бухоро давлат тиббиёт институти	08.05.2018 йил соат 11:00		
4	Жиззах вилояги	ТИМИ Бухоро филиали	08.05.2018 йил соат 11:00		
		Жиззах политехника институти	08.05.2018 йил соат 11:00		
		Жиззах давлат педагогика институти	08.05.2018 йил соат 11:00		
5	Қашқадарё вилояги	Қарши давлат университети	09.05.2018 йил соат 11:00		
		Қарши муҳандислик иктисодийёт институти	09.05.2018 йил соат 11:00		
		ТАТУ Қарши филиали	09.05.2018 йил соат 11:00		
6	Навоий вилояги	Навоий давлат педагогика институти	09.05.2018 йил соат 11:00		
		Навоий кончилик институти	10.05.2018 йил соат 11:00		
		Наманган давлат университети	10.05.2018 йил соат 11:00		
7	Наманган вилояги	Наманган муҳандислик технология институти	10.05.2018 йил соат 11:00		
		Наманган муҳандислик педагогика институти	10.05.2018 йил соат 11:00		
		Самарқанд давлат университети	11.05.2018 йил соат 11:00		
8	Самарқанд вилояги	Самарқанд давлат архитектура курулиш институти	11.05.2018 йил соат 11:00		
		ТАТУ Самарқанд филиали	11.05.2018 йил соат 11:00		

		Самарқанд давлат чет тиллар институти	11.05.2018 йил соат 11:00			
		Самарқанд давлат тиббиёт институти	12.05.2018 йил соат 11:00			
		Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	12.05.2018 йил соат 11:00			
		Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	12.05.2018 йил соат 11:00			
9	Сирдарё вилояти	Гулистон давлат университети	12.05.2018 йил соат 11:00			
		Термиз давлат университети	14.05.2018 йил соат 11:00			
		ТДТУ Термиз филиали	14.05.2018 йил соат 11:00			
		ТДАУ Термиз филиали	14.05.2018 йил соат 11:00			
		ТТА Термиз филиали	14.05.2018 йил соат 11:00			
10	Сурхондарё вилояти	ТДПУ Термиз филиали	15.05.2018 йил соат 11:00			
		ТерДУ Денов филиали	15.05.2018 йил соат 11:00			
		Тошкент давлат аграр университети	15.05.2018 йил соат 11:00			
		Чирчиқ давлат педагогика университети	15.05.2018 йил соат 11:00			
11	Тошкент вилояти	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти	16.05.2018 йил соат 11:00			
		ТДТУ Олмалиқ филиали	16.05.2018 йил соат 11:00			
		Фарғона давлат университети	16.05.2018 йил соат 11:00			
12	Фарғона вилояти	Фарғона политехника институти	16.05.2018 йил соат 11:00			

13	Хоразм вилояти	ТТА Фарғона филиали	17.05.2018 йил соат 11:00		
		ТАТУ Фарғона филиали	17.05.2018 йил соат 11:00		
14	Тошкент шаҳри	Қўқон давлат педагогика институти	17.05.2018 йил соат 11:00		
		Урганч давлат университети	17.05.2018 йил соат 11:00		
		ТТА Урганч филиали	18.05.2018 йил соат 11:00		
		ТАТУ Урганч филиали	18.05.2018 йил соат 11:00		
		Ўзбекистон Миллий университети	18.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети	18.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент давлат техника университети	19.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент юридик университети	19.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент давлат иқтисодиёт университети	19.05.2018 йил соат 11:00		
		Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	19.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент молия институти	21.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	21.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент давлат педагогика университети	21.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент кимё технология институти	21.05.2018 йил соат 11:00		
		Тошкент архитектура қурилиш институти	22.05.2018 йил соат 11:00		

	Тошкент ахборот технологиялар университети	26.05.2018 йил соат 11:00		
	Тошкент темир йўл мухандислари институти	26.05.2018 йил соат 11:00		
	Тошкент шаҳридаги Инха университети	26.05.2018 йил соат 11:00		
	Туриин политехника университети Тош. шах.ф.	28.05.2018 йил соат 11:00		
	И.Губкин номидаги РДНГУ Тошкент шах. ф.	28.05.2018 йил соат 11:00		
	Сингапур Менежментни ривожлантириш институти	28.05.2018 йил соат 11:00		
	Тошкент ислом университети	28.05.2018 йил соат 11:00		
Жами:				

Изоҳ: Мазкур режа-жадвалга мувофиқ ҳудудлардаги ҳар бир таълим муассасасида ўтказилган тадбирлар ойлигида амалга оширилган ишлар тўғрисида ой якуни бўйича батафсил маълумот тақдим этиш лозим. Шунингдек, режа-жадвалда белгиланган саналар байрам кунларига тўғри келиб қолган тақдирда, вазирликдаги масъулларни хабардор қилган ҳолда бошқа кунниги кўчирилиши келишиб олинади.



Вазирликнинг 2018 йил “1” май даги
377 -сон буйруғига 2-илова

“ОДАМ САВДОСИ – МУДҲИШ ЖИНОЯТДИР” мавзусидаги иншо ва рефератлар танловининг НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан 2018 йил 14 февралда тасдиқланган “Одам савдоси – давр муаммоси” тарғибот лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасининг 10-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

1.2. “Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танловга олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этади.

1.3. Танлов “Энг яхши иншо” ва “Энг яхши реферат” йўналишларида ўтказилади.

1.4. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни олий таълим муассасаларининг “Маънавият ва маърифат” бўлимлари томонидан амалга оширилади.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

2.1. Танловнинг асосий мақсади – ёшларнинг одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграция соҳасидаги саводхонлигини ошириш, “Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш олий таълим муассасаларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

2.2. Танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, уларни одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга қўшилиб кетишининг олдини олиш;

олий таълим муассасаларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш;

ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш;

ёшларда одам савдосига қарши курашнинг мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

чора-тадбирлар дастурининг мазмун-моҳияти тарғиботи таъсирчанлигини ошириш;

ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш;

“Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги талабаларнинг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказиш.

III. Танловни ўтказиш босқичи ва муддатлари

3.1. “Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич - олий таълим муассасасининг факультетлари академик гуруҳлари талабалари ўртасида жорий йил апрель ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилади.

Иккинчи босқич - олий таълим муассасаси миқёсида факультетлараро уларнинг ғолиблари ўртасида май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Учинчи босқич (якуний) – республика олий таълим муассасалари ғолиблари ўртасида жорий йил май ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади.

IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

4.1. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш бўйича олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан Ташкилий қўмита ва соҳа профессор-ўқитувчилари, олимлари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат таркибда ҳакамлар Ҳайъати тузилади.

Талабалар томонидан йўналишлар бўйича тайёрланган ижодий ишлар факультетлар ва ОТМ кесимида тузилган ҳакамлар Ҳайъати томонидан танлов шартлари ва мезонлари асосида баҳоланади.

4.2. Танловнинг учинчи босқични ташкил этиш ва ўтказиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ташкил этилган ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади. Танловнинг якуний босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича Ҳакамлар Ҳайъати тузилади. Ҳайъат таркибига соҳа бўйича етук мутахассислар жалб этилади.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

5.1. Танловга тақдим этиладиган мақолалар қуйидаги мезонларда баҳоланади:
мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилганлиги;
ижодий ишларнинг стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганлиги;
мавзуни ёритишда адабиётлардан фойдаланганлик даражаси ва таҳлилий ёндашувлар, мустақил фикрларнинг аниқ билдирилганлиги;
мавзуни ёритишга ўзига хос ижодкорлик хусусиятлари ифода этилганлиги;
мавзуни ёритишда ҳаётий мисоллардан кенг фойдаланилганлиги;
мавзуга оид долзарб масалалар, уларнинг ечимлари тўғрисида таклифлар келтирилганли.

5.2. Ҳар бир мезон 10 баллик тизим асосида баҳоланади (жами 60 балл) ҳамда иншо ва рефератлар талабалар томонидан ёзма шаклда баён этилади.

VI. Хужжатларни тақдим этиш тартиби

6.1. Республикадаги олий таълим муассасаларида битта йўналиш бўйича ғолиб бўлган, 1- ва 2-ўринни эгаллаган талабаларнинг хужжатлари (*ОФМ Ташкилий қўмитаси баённомаси ва қарори, ғолиб бўлган талабанинг ижодий материаллари ва 10x15 ҳажмдаги фотосурати*) Республика Ташкилий қўмитасига жорий йилнинг 10 майига қадар 2 нусха ёзма, 1 нусха электрон вариантда (тел: 246-28-63, e-mail: x.eshov@edu.uz) тақдим этилади. Иншо ва рефератлар электрон почта орқали қабул қилинмайди.

6.2. Танловга тақдим этиладиган мақолалар (ўзбек, рус ёки инглиз тилларида) компьютер Word дастурида, Times New Roman шрифтида 1 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқори ва пастдан 25 мм жой қолдирган ҳолда ёзилган бўлиши ҳамда матнлар илмий, техник, стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт. Ёзма материалларнинг 1-нусхасида талабаларнинг ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши тўлиқ кўрсатилади, 2-нусхасида ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши кўрсатилмайди.

6.3. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар қабул қилинмайди.

VII. Танлов ғолибларини тақдирлаш

7.1. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичида юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабалар олий таълим муассасалари томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, танловда фаол иштирок этган талабалар таълим муассасасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади. Юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабаларнинг ижодий ишлари таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

7.2. Танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича учинчи босқичда ғолиб бўлган талабалар қуйидаги тартибда пул маблағлари билан рағбатлантирилади:

“Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги иншолар:

1-ўрин – 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

2-ўрин – 1 000 000 (бир миллион) сўм;

3-ўрин – 800 000 (саккиз юз минг) сўм.

“Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги рефератлар:

1-ўрин – 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

2-ўрин – 1 000 000 (бир миллион) сўм;

3-ўрин – 800 000 (саккиз юз минг) сўм.

Шунингдек, ғолиб талабалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Талабаларнинг энг сара ижодий ишлари Республика газета ва журналларида ёритилади.



Вазирликнинг 2018 йил “ 1 ” май даги
377 -сон буйруғига 3-илова

**“Одам савдоси – мудҳиш жиноятдир” мавзусидаги танловни
ўтказиш бўйича вазирлик ташкилий қўмитаси
ТАРКИБИ**

1. Д.Набиев - Вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси
2. М.Иноятов - Вазир ўринбосари, аъзо
3. С.Бузрукхонов - Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи, аъзо
4. О.Базаров - Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
5. О.Худайназаров - ОўМТВ ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази директори, аъзо
6. С.Ахмедов - ОўМТВ ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази гуруҳ раҳбари, аъзо
7. Х.Эшов - ОўМТВ ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими, котиб